O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 7 август ШАНБА

№ 62 (12.282)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz




**Мустақиллик – энг улуғ, энг азиз неъмат.**

**Истиқлол шарофати билан мамлакат бўйлаб бошланган янгиланиш, яратиш, қуриш ва ободонлаштириш ишлари бутун халқимиз кўз ўнгида ҳамон кенг кўламда давом этмоқда. Бугун бунёдкорлик ишлари юртимизнинг энг чекка ва олис қишлоқларига ҳам кириб борди. Эндиликда вилоят шаҳар ва туманлари марказлари, қишлоқ ва маҳалла гузарлари, кўча ва аҳоли хонадонларининг замонавий, кўркам ва озода қиёфаси бундан йигирма йиллар аввалги кўринишидан бутунлай фарқ қилади.**



## ПОКИЗА НИЯТЛАР КЎПРИГИ



Юртимиз пойтахтининг бугунги жамоли ҳақида-ку, қанча гапирсак, қанча таърифласак шунча оз. Айтайлик, 20 йил аввал Ўзбекистонда бўлиб, бугун яна ташриф буюрган хорижлик меҳмон ватанимизни асло таний олмаслиги тайин.

– Энг чекка қишлоқ ҳисобланган бизнинг Псомдаги янгиланишлардан қалбим фахрга тўлади, – дейди Қурбонбой ота Файзиев. – Гузарлар, янги мактаб, коллеж ва бошқа кўплаб замонавий иншоотлар халқимизга хизмат қилаяпти. Куни кеча фойдаланишга топширилган кўприк ҳам псомликларга истиқлол байрами арафасида ажойиб туҳфа бўлди.

Бу ердаги эски кўприк 1950 йилда қурилган бўлиб, деярли яроқсиз ҳолга келиб қолганди. Бу "Тонар", "Така ёнғоқ", "Чакан", "Псом" маҳалларида яшовчи уч мингдан зиёд аҳолига ўзига яраша қийинчиликлар туғдирарди. Янги кўприк эса барча муаммоларга барҳам берди.

Владислав Соколов муҳандислигида бунёд этилган ушбу кўприкнинг узунлиги 35 метр, эни 4 метр. Умумий қиймати 262 миллион сўмлик иншоотни "Ўзавтойўл" концерни ҳамда "Ўзйўллойиҳа" институти лойиҳаси асосида Угом-Чотқол Давлат табиат миллий боғи тасарруфидаги Бурчмулла ўрмон хўжалиги бунёд этди.

Тоғли ҳудуд бўлгани учун асосий ишлар қўл кучи билан бажарилди.

– Бу кўприкни қуришдан мақсад, – дейди Угом-Чотқол Давлат табиат миллий боғи бошқармаси бошлиғи ўринбосари Эргаш Саримсоқов, – аввало атроф қишлоқларда яшаётган аҳолига ҳамда фермер хўжаликларига қулайлик яратиш. Қолаверса, Угом-Чотқол миллий боғининг муҳофаза этилаётган табиий ҳудудларида яшаётган ҳайвонот олами ҳамда ўсимлик дунёсини сақлашда, ўрмонларни кенгайтиришда, содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишда, шунингдек, ҳудудда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлашда ушбу кўприк муҳим аҳамиятга эга.

Кўприкнинг фойдаланишга топширилиши псомликлар учун ҳақиқий байрам бўлди. Улар истиқлол байрами тантаналарини шу кунданоқ бошлаб юборишди.

**Равшан РУСТАМОВ.**

**СУРАТЛАРДА:** кўприкнинг очилиш тадбиридан лавҳалар.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

---

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

## НАФИС СПОРТ ТУРИ ОММАЛАШМОҚДА

**Мамлакатимизда оммавий спортни ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларда замонавий спорт мажмуалари бунёд этиш ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**



***Тошкент вилояти ҳокими Рустам ХОЛМАТОВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбири билан суҳбатда спортни янада оммалаштириш, қизлар спортини, хусусан, бадиий гимнастикани ривожлантириш борасида вилоятда амалга оширилаётган ишлар ва бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди.***

– Жисмонан соғлом, тафаккури кенг, Ватанга муҳаббати чексиз, масъулият ҳисси юксак авлодни тарбиялашда спортнинг ўрни беқиёс. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган 2003 йилдан буён вилоятимизда 87 спорт иншооти ва 45 спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Улар зарур спорт анжомлари ва жиҳозлар билан таъминланди.

Вилоятимизда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган 249 минг 434 нафар қизнинг 93 мингдан зиёди спорт билан мунтазам шуғулланади.

2004 йилда вилоятимизда иккита бадиий гимнастика секцияси мавжуд бўлиб, уларга 72 нафар қиз жалб қилинган эди. Бугунга келиб шаҳар ва туманларимизда очилган қирқдан зиёд бадиий гимнастика секцияларида маҳорат сирларини эгаллаётган қизлар сони минг нафардан ошиб кетди.

Бадиий гимнастика бўйича мураббиялар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда ушбу спорт тури бўйича секциялар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида ташкил этилган малака ошириш курсларида вилоятимиздан 30 мураббия ўқитилди. Жорий йилда шартнома асосида яна 44 хотин-қиз тренерлар бадиий гимнастика бўйича қисқа курсларда малака оширади.

2009-2010 ўқув йилида спорт йўналишида вилоятимиздан йигирма нафар қиз олий ўқув юртларини битирган бўлса, уларнинг беш нафари бадиий гимнастика бўйича мутахассислик дипломига эга. Айни пайтда уларнинг барчаси ёшларга спорт сирларини ўргатиш билан машғул.

Қишлоқ жойларда спорт машғулотларининг кўламини кенгайтириш ва савиясини ошириш, етакчи мутахассислар тажрибаларидан самарали фойдаланиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Гимнастика федерациясининг вилоят бўлими ҳамкорлигида жорий йилда шаҳар ва туманларимизда бадиий гимнастика мураббиялари учун маҳорат сабоқлари ташкил этилди. Ҳозир кўплаб мактаб, коллеж ва лицейларда бадиий гимнастика секцияларининг ташкил этилаётгани қизларнинг мазкур спорт турига қизиқиши ошаётганидан далолат беради. Мазкур таълим муассасаларида бадиий гимнастикага мослаштирилган 33 спорт зали мавжуд. Шунингдек, Бекобод, Чирчиқ ва Зангиота туманларида бадиий гимнастика марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Бадиий гимнастика - навқиронлик, гўзаллик асосидир. Ушбу спорт турини қизлар ўртасида оммалаштиришнинг мақсад ва моҳиятини ота-оналарга кенг тушунтириш ишлари ўз самарасини бераётир. Бадиий гимнастика бўйича спорт мусобақаларининг тизимли, босқичма-босқич ўтказилишини йўлга қўйиш ҳамда мусобақа ғолибларини, мураббиялар ва ота-оналарни рағбатлантириш орқали вилоятда бу спорт турини янада такомиллаштиришга эришилмоқда.

Бадиий гимнастика, айниқса, Чирчиқ, Бекобод, Олмалиқ, Янгийўл шаҳарлари, Зангиота, Қибрай, Ўртачирчиқ, Пискент, Қуйичирчиқ, Паркент, Тошкент туманларида жадал оммалашмоқда. Ҳудудларда яна 14 бадиий гимнастика марказини очиш ва уларни ойна, махсус гиламча, булава, обруч, лента, копток, скакалка каби зарур инвентарлар билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Мазкур йўналишда қўлга киритилаётган ютуқлар билан бирга қилинадиган ишлар, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам кўп. Хусусан, бадиий гимнастика секцияларининг тўлақонли фаолият юритиши учун гимнастика гиламлари, спорт кийимлари ва инвентарлари билан таъминлаш ишларини такомиллаштириш зарур. Вилоятда спорт жиҳозлари ишлаб чиқарадиган корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мазкур йўналишда янги субъектларни ишга тушириш масаласига устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда.

Бугун иқтидор ва салоҳият бобида, ғайрат-шижоатда ҳеч кимдан кам эмаслигини намоён этаётган бадиий гимнастикачи қизларимиз сафи кенгайиб бораётгани қалбларга ғурур ва мамнунлик бахш этади. Биз спорт маликаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз маҳоратини ошириши учун барча шароитни яратишга ҳаракат қилмоқдамиз.

**ЎзА мухбири Лутфулла СУВОНОВ ёзиб олди.**

---

ДЕПУТАТ ВА ДАВР

## ИШОНЧ ҚОЗОНИШ – МАСЪУЛИЯТ

**Ҳаёт ва яшаш тарзимизни янгилаш, мамлакатни модернизациялаш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш ва ҳуқуқий демократик давлатни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз муваффақияти ҳар биримизнинг онгли ижтимоий фаоллигимизга, ўз салоҳиятимиз, иқтидоримиз ва куч-ғайратимизни шу мақсадларни рўёбга чиқаришга бағишлашимизга боғлиқ. Вилоят Юк, йўловчи ташувчилар ва автотерминаллар ассоциацияси раиси, халқ депутатлари вилоят кенгашининг саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Муҳаммадали Каримов билан шу мавзудаги суҳбатимиз анча қизғин кечди.**

– Давр зиммамизга шундай масъулиятларни юклаяптими, ишлаш керак, янги-янги ғояларни излаш лозим, – дейди суҳбатдошимиз. – Изласанг, интилсанг, эзгу орзу-ниятларни кўзлаб яшасанг, ҳамма нарсага имкон топиш мумкин. Чорасиз вазифа, ечимсиз муаммо бўлмайди.

Ассоциация ва доимий комиссия фаолиятлари билан танишиш, Бўстонлиқда бўлиб, халқ депутатлари вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи 22-сайлов округида турли тоифа одамлар билан суҳбатлар давомида, шанба куни депутат қабулини кузатиш чоғида бунга амин бўлдик.

Далил: кейинги йилларда ассоциация корхоналарида автотранспорт парки тамомила янгиланди. Ҳозир 555 та "Исузу", 161 та "Паз" автобуслари йўловчилар хизматида.

– Биз ҳамиша изланишдамиз, – деди Муҳаммадали Каримов сўзини давом эттириб. – Уч йил илгари барча мулкчилик шаклидаги транспорт эгалари ҳаракатини мувофиқлаштириш мақсадида йўловчи ташишни лицензиялаш бўйича махсус департамент тузиш таклифи билан чиқдик. Ҳукумат бизни қўллаб-қувватлади. Лицензиялаш йўлга қўйилгунича банкларга йўловчи ташишдан ҳар ойда ўртача 443 миллион сўм нақд пул тушаётган бўлса, шу кунларда йўловчи ташишдан ойма-ой 1 миллиард 35 миллион сўм нақд тушум вилоят банкларига топширилаяпти. Йил охиригача яна камида 70 та "Исузу" автобуслари олиб, шаҳар ва туманларда йўналишлар тармоғини кенгайтириш ниятидамиз.

Бозор иқтисодиёти тамойилларини чуқур идрок этиш, бой амалий ва ҳаётий тажриба халқ депутатлари вилоят кенгашига иккинчи марта сайланган Ўзбекистон халқ демократик партияси аъзоси Муҳаммадали Каримовга фаолият доираси долзарб, кенг ва муҳим бўлган доимий комиссияга муваффақиятли раҳбарлик қилиш имконини бераяпти. Ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмушининг турли соҳаларини тараққий эттиришга бу комиссия таъсири анча салмоқли.

Доимий комиссия шуғулланаётган ва кўриб чиқишни мўлжаллаётган масалалар ранг-баранг ва долзарб. Улар Республика Президентининг "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини назорат қилиш, манзилли дастурга киритилган касб-ҳунар коллежлари ва мактаблар қурилиши ёки капитал таъмирлаш ишларининг боришини таҳлил қилиш сингари йирик масалаларни ўз ичига олади.

(Давоми 3-бетда).

---

АВГУСТ ОЙИ – ПАХТА ҲОСИЛИГА ҲОСИЛ ҚЎШАДИГАН ОЙ

**Вилоятимиз пахтакорлари эзгу ниятлар билан кунни тунга улаб, 100,2 минг гектар ерда мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Ҳеч шубҳасиз, айни кунларда пахтакорларимиз олдида турган асосий юмуш агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишни ташкил этиш, деҳқонлар тили билан айтганда, фурсатни бой бермай, ҳосилга ҳосил қўшишдан иборатдир. Зеро, август ойи пахтадан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда ўта муҳим ва масъулиятли, таъбир жоиз бўлса, ҳосил тақдирини ҳал қиладиган палла эканини ҳақиқий пахтакорга эслатиш ортиқча бўлса керак.**

## АСЛ ДЕҲҚОН ЭКИНИГА ПАРВОНА

Бугун вилоятимиз пахтазорларини бир айлансангиз экин майдонларида ҳар қачонгидан тўлиқ кўчат олингани, ғўза ривожи ўтган йилдагидан 10-15 кун эрта эканлигини кўришингиз мумкин. Шунинг ўзи ҳам табиатнинг деҳқонга бир инъоми, десак хато бўлмайди. Бу ўз навбатида агротехник тадбирларни ҳар қачонгидан ҳам мукаммал, бекаму кўст ўтказишни тақозо этади. Бунга эришиш эса мўл ҳосил, пировардида, юқори иқтисодий самара, демакдир.

Маълумки, бу даврда ғўзани суғоришни оқилона ташкил этиш даркор. Пахтачиликда ғўзани чанқатиб суғориш ҳам, аксинча, кўллатиб юбориш ҳам мумкин эмас. Бу борада энг фойдали йўл – экинни шарбат усулида суғориш эканини ҳисобга олиб, далаларга етарли миқдорда маҳаллий ўғит чиқарганимиз, уни махсус хандақларда аввалдан жамғариб қўйганимиз яхши бўлди. "Шарбат" сувига қонган ғўзаларимиз ривожидан кўнглимиз равшан.

Чеканкани август ойигача тўлиқ якунлаганимиз боис, зарур майдонларда эҳтиёжга қараб яна 2-3 марта қайта ўтказишимизга имкон туғилди. Бинобарин, бу тадбирнинг яна бир муҳим жиҳати – экин ораларида шамол айланишини яхшилайди, пировардида ғўзани гоммоз каби хавфли касалликлардан муносиб ҳимоялайди. Шу кунларда ғайрат билан экин оралаётганимиз шундан.

Ҳеч шубҳасиз, пишиб етилаётган ҳосилни ғўза зараркунандаларидан ҳимоя қилиш деҳқон муваффақиятининг яна бир муҳим омилидир. Мавжуд биолабораториялар, соҳа мутахассислари билан яқин ҳамкорлик қилиб, ҳосил кушандалари бўлган кўсак қурти, ўргимчаккана ва бошқаларга қарши биологик усулда курашаётганимиз қўл келаяпти – шукрки, экинзорларимиз бундай хатарлардан холи.

Мен атай қизиқиб кўрдим. Ҳозир вилоятимизда 50 га яқин биолаборатория самарали фаолият юритаётган экан. Бу усул мавсумда катта маблағимизни тежаб, тармоқдан юқори самара кўришимизда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Бурҳон ҚУРБОНОВ, Оққўрғон туманидаги "Бурҳон" фермер хўжалиги раҳбари.**

---

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

**Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши вилоят ҳудудий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссия аъзолари, назорат идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳудудий комиссиялари раислари, Янгийўл тумани ва Янгийўл шаҳри бўйича ҳудудий комиссия аъзолари иштирок этишди.**

**Йиғилишни ҳудудий комиссия раиси Рустам Холматов бошқарди.**





## ҲУДУДИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Тадбирда Назорат қилувчи органлар биринчи ярим йилликда ўтказган текширишларни мувофиқлаштириш якунлари ва Республика кенгаши томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари муҳокама этилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, вилоятдаги айрим туман, шаҳар ҳудудий комиссияларининг ва вилоят назорат идораларининг фаолиятида камчиликларга йўл қўйилгани қайд этилди.

Ўрганиш натижалари ҳудудий комиссияларнинг йиғилишларида назорат идораларининг ходимлари иштирокида муҳокама этилиб, камчиликларга йўл қўйган 12 та масъул ходим интизомий жавобгарликка тортилди, 5 таси ёзма равишда огоҳлантирилди ва биттаси эгаллаб турган лавозимидан озод этилиб, тегишли буйруқлар ва чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўтказилган мониторинг натижасида айрим назорат идоралари томонидан текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдиришда камчиликларга йўл қўйилгани аниқланиб, тегишли тақдимномалар киритилди. Мазкур қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилди. Жумладан, 39 мансабдор шахснинг 31 нафари интизомий жавобгарликка тортилди, 2 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди ва 6 нафари ёзма равишда огоҳлантирилди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Комиссия йиғилишида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши раисининг ўринбосари, давлат Солиқ қўмитаси раиси Ботир Парпиев қатнашди.

**СУРАТЛАРДА:** йиғилиш пайтида.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

---

## ИНСОН АЗИЗ

**Тошкент туманида «Шу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

Унда таниқли актриса ва қўшиқчилар, ёзувчи ва шоирлар, илм-фан намоёндалари, шунингдек, «Маҳалла» жамғармаси, туман маданият ва спорт ҳамда маънавият тарғибот бўлимлари вакиллари иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар, бу айём халқимизнинг энг азиз ва энг улуғ байрамига айланганини, қолаверса, ёшлар учун истиқлол туфайли жаҳонга йўл очилгани ва ҳозирги тинчлик ва барқарорлик энг муқаддас неъмат эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Тадбир сўнгида таниқли хонандалар ва театр актрисаларининг чиқишлари байрам иштирокчиларида унутилмас таассурот қолдирди.

**Ўз мухбиримиз.**

